



УЎТ: 632:72.1.

ЕРЁНҒОҚ БИОТИПИДА ЭНТОМОФАГЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Саггаров Асқар Бўтаярович 

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий тадқиқот институти
Сурхондарё минтақавий филиали катта илмий ходими, б.ф.н.

Аннотация. Ушбу мақолада Сурхондарё минтақаси шароитида олтинкўз энтомафагининг такрорий экин сифатида экилаётган ерёнғоқ майдонларига миграцияси (кўчиши), ривожланиши ва зичлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган. Кузатишлар натижаси бўйича олтинкўз энтомофаги популяциялари август ойи биринчи ўн кунлигидан бошлаб такрорий экин сифатида экилган ерёнғоқ экинига оммавий кўчиб ўтиши ва серпушт насл бера олишини намоён қилди.

Калит сўзлар: Олтинкўз, ерёнғоқ, миграция, энтомофаг, личинка, тухум.

Аннотация. В статье представлены результаты исследований миграции, развития и плотности энтомофага златоглазки на полях арахиса повторного посева в условиях Сурхандарьинской области. По результатам наблюдений установлено массовое переселение популяции златоглазки на поля арахиса повторного посева с первой декады августа и способность к размножению.

Ключевые слова: златоглазка, арахис, миграция, энтомофаг, личинка, яйцо.

Abstract. This article presents the results of studies on the migration, development and density of golden-eyed entomophagus to peanut fields planted as a repeated crop in the conditions of the Surkhondarya region. According to the results of the observations, golden-eyed entomophagous populations showed mass migration to the peanut crop planted as a repeated crop from the first ten days of August and the ability to reproduce.

Keywords: Goldeneye, peanut, migration, entomophagous, larva, egg.

КИРИШ

Олтинкўзлар Европа, Осиё, Африка ва Американинг табиий шароитида кенг тарқалган. Ўзбекистонда 11 тури аниқланган. Олтинкўзлар етук зоти тилласимон оч яшил тусли жуда нозик ҳашоратлар ҳисобланади. Қанотлари ёйилганда 19 дан 55мм. га етади [1].

Урғочилари эндигина ташлаган тухумлари оч яшил тусли бўлади, кейин эса аста-секин қораяди. Олтинкўз қурти гавдасининг олди ва кейинги томони ихчам бўлиб тез юришга мўлжалланган. Бунда унинг кўкрак қисмида

AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

жойлашиб яхши ривожланган оёқлари ёрдам беради. Туси оч яшилдан – оч сарикқача ўзгариб туради. Кўкрак ва қорин сегментларида тананинг ёнларида учи илмоқли йирик туклар билан қопланган жуфт бўртиклари ривожланган. Личинка елкаларида мумсимон ғубордан иборат қинча бўлади. Япалоқ бошидаги узунчоқ, ўроқсимон эгилган юқори жағлари ўлжани тутиб олишга мослашган. Пастки жағлари юқорисига зичлашиб ёпиқ най ҳосил қилади. Шу найча орқали хўжайин танасига ҳазм қилиш ширасини юборади ва ўлжа ички аъзоларини мазкур най орқали сўриб озиқланади. Личинкалар 3 ёшни ўтагач ғумбакка айланади.

Олтинкўз личинкаларигина йиртқич ҳаёт кечиришади. Жуда ҳаммахўр бўлиб, бўғимоёқлиларнинг 70 дан зиёд турлари билан, шу жумладан каналарнинг 11 тури билан озиқланади. Ривожланиш давомида битта личинка 300 тагача шира, ўргимчаккана ва тунламларнинг тухумларини йўқотади. Ўзбекистон шароитида 4-5 марта авлод бериб кўпаяди [3].

Табиатда олтинкўз зараркунандаларининг нуфузини самарали камайтиришда жуда аҳамиятли энтомофаг ҳисобланади [2]. Унинг нуфузини табиий йўл билан ошириш муҳитини ўрганиш амалий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСУЛЛАР

Тадқиқот ишлари вилоятнинг Жарқўрғон тумани “Оқтепа” ҳудудида такрорий экин сифатида экилган ерёнғоқ майдонларида олиб борилди. Олтинкўз зичлиги ерёнғоқ ўсимлигининг вегетация даврида ривожланиш фазалари бўйича ҳар 10 та намуна танлаб олиниб ҳар бир намунадан 10 тадан ўсимлик таҳлили қилинди.

Натижалар ва мунозара. Олтинкўз энтомофагининг ерёнғоқ биотипига кўчиб ўтиши июль ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб учраб бошлади.

1-жадвал

Ерёнғоқнинг ривожланиш фазаларининг олтинкўз энтомофаги зичлигига таъсири.

т/р	Олтинкўз энтомофаги ривожланиш фазалари	Ерёнғоқнинг ривожланиш фазалари							
		чинбарг		шоналаш		гуллаш-дуккаклаш			пишиш
		20.07. 2025	28.07. 2025	15.08. 2025	25.08. 2025	10.09. 2025	20.09. 2025	30.09. 2025	10.10. 2025
1	Тухумлар сони, дона	0,7	1,2	4,2	11,6	23,6	32,1	19,1	5,7
2	Личинкалар сони, дона	-	0,6	1,4	3,8	9,1	12,7	6,3	2,3

Изоҳ: 10 туп ўсимликдаги ўртача сони, дона.



AGRO KIMYO HIMOYA VA O'SIMLIKLAR KARANTINI

Июль ойининг охирига келиб олтинкўз зичлигида кўпайиш кузатилиб бошлади. Тухумларнинг ўртача сони 1,2 донани ва личинкалари сони 0,6 донани ташкил этди. Ерэнғоқ биотипида олтинкўз тухум ва личинкалари зичлигининг сезиларли даражада ўсиши август ойининг иккинчи ярмида кузатилиб ўрганилаётган ўсимликларда ўртача сони мос равишда 4,2 ва 1,4 донани ва август ойининг учинчи ўн кунлиги охирида янада кўпайиб 11,6 ва 3,8 донага етганлиги қайд этилди. Бу пайтда ерэнғоқ тўлиқ шоналаш даврига кирган бўлиб унинг биотипида ширалар, трипслар, ўргимчаккана, қандалалар каби ҳашоратлар макон топганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ерэнғоқ биотипида олтинкўз зичлигининг энг юқори кўрсаткичи ерэнғоқ ўсимлигининг қийғос гуллаш ва ҳосил туғиш даврида кузатилиб давомийлиги сентябрь ойида тўлиқ сақланиб қолди. Зичлигидаги ўсиш каррали миқдорда кўпайиб сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги охирида ўрганилган ўсимликларда тухумларининг ўртача сони 32,1 ва личинкалари сони эса ўртача 12,7 донани ташкил этди. Олтинкўз зичлигининг кескин ошишини қулай об-ҳаво ва ерэнғоқ биотипида сўрувчи ва кемирувчи зараркунандаларнинг тури ва зичлигининг ортиши ҳамда серпушт насл бериши учун меъёрли муҳит вужудга келганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ерэнғоқ экинининг пишиш даврида, яъни октябрь ойи биринчи ўн кунлигида олтинкўз зичлигининг кескин пасайиши қайд этилди.

ХУЛОСА

Ерэнғоқ биотипи олтинкўз энтомофагининг ривожланиши, серпушт насл бериши, келгуси йил учун қишлаб қолувчи бўғинларининг кўплаб захирасининг яратилишида ҳамда табиат балансини бойитишда муҳим макон бўлиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Хўжаев Ш.Т., Сулаймонов О.А. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган химоя қилиш тизимининг асослари.-Тошкент -2019.-376 б.
2. Хўжаев Ш.Т., Уразбоев А.А., Шокирова Г.Н. “Ғўза ғалла ” алмашлаб экиш тизимида агробиценоз муносабатларинг шаклланиши. Тошкент-2016.-83 б.
3. Хўжаев Ш.Т., Юлдошев Ф.Э., Обиджанов Д.А., Шокирова Г.Н., Маматов К.Ш., Саттаров Н.Р. Ғалладан кейин экиладиган ўриндош экинларни зараркунандалардан химоя қилиш бўйича тавсиянома. – Тошкент-2014.-92 б.